

9-10-2019

LINGVOPERSONOLOGICS AS A NEW DIRECTION OF ANTHROPOCENTRIC LINGUISTICS

U. Rahimova

Teacher of Termez state university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Rahimova, U. (2019) "LINGVOPERSONOLOGICS AS A NEW DIRECTION OF ANTHROPOCENTRIC LINGUISTICS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 8 , Article 50.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/50>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

LINGVOPERSONOLOGICS AS A NEW DIRECTION OF ANTHROPOCENTRIC LINGUISTICS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЛИНГВОПЕРСОНОЛОГИЯНИНГ МУСТАҚИЛ ФАН СИФАТИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Рахимова Умида Джумаевна
ТерДУ

*Аннотация:*Мақолада антропоцентрик тилшуносликнинг янги йўналиши ҳисобланган лингвоперсонология ҳақида фикр юритилади. Хусусан, Ф. де Соссюр, В.В. Виноградов, В.фон Гумбольдт, Э.Сепир, Ю.Н. Караулов сингари тилшуносларнинг илмий-назарий қарашлари мисолида мазкур лингвистик йўналишнинг моҳияти тўлиқ очиб берилади.

Таянч сўзлар: лингвоперсонология, тил, нутқ,индивидуал шахс нутқи, миллат, маданият.

ФОРМИРОВАНИЕ ЛИНГВОПЕРСОНОЛОГИИ В КАЧЕСТВЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ НАУКИ

Рахимова Умида Жумаевна
Преподаватель Термезского государственного университета

*Аннотация:*В статье рассматривается лингвоперсонология, новая область антропоцентрической лингвистики. В частности, суть этой лингвистической отрасли в полной мере иллюстрируется научными и теоретическими перспективами таких лингвистов, как Ф. де Соссюр В.В. Виноградов, В. фон Гумбольдт, Э. Сепир, Ю.Н. Караулов.

Ключевые слова: лингвоперсонологии, язык, речь, личности, национальность, культура.

LINGVOPERSONOLOGICS AS A NEW DIRECTION OF ANTHROPOCENTRIC LINGUISTICS

Rahimova U.
Teacher of Termez state university

*Abstract:*The article deals with lingvopersonologics as a new direction of anthropocentric linguistics. In particular, the essence of this linguistic industry is fully illustrated by the scientific and theoretical prospects of such linguists as F. de Saussure V.V. Vinogradov, V. von Humboldt, E. Sepir, Yu.N. Karaulov.

Key word: lingvopersonologu, language, speech, individual speech of a herson nationality culture.

КИРИШ

Инсоният пайдо бўлибдики, унинг имкониятлари кундан-кунга кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Инсониятнинг ривожига эса жамиятни ривожлантиради. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, бир нарса бор, жамият усиз ривожлана олмайди. Бу-тил.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб Европа тилшунослигида “индивидуал шахс нутқи тилнинг умумистеъмолга хосланган барча хусусиятларини ўзида мужассам этади ва характерлайди” деган фикр тил тадқиқотчиларининг асосий

диққат марказига кўчди. Шу даврда тилшунослар орасида мазкур муаммо билан боғлиқ равишда Ф. де Соссюр томонидан илгари сурилган янги ва асосли тезис юзага келди. Ф. де Соссюр таъкидлайдики, “Тил – инсон учун аввалдан тайёр ҳолатга келтирилган маҳсул. Тилдан ҳар бир шахс ундан муайян ижтимоий нутқ шароитида ўзининг эҳтиёжи ва имконияти даражасида (кимдир самаралироқ, кимдир пассив ҳолатда–изоҳ бизники) фойдалана олади. Сўзлаётган индивидуал шахс ҳеч қачон ўз нутқида янги тил ёки тил бирлигини ярата олмайди. (Яъни сўзловчи ўз нутқида ниманики ифодалаётган бўлса, унинг барчаси тил доирасидадир.)”[1] Соссюр ўз қарашларида тил(*langue*)ни ижтимоийлик маҳсули ва шахс нутқи(*parole*)ни унинг юзага чиққан ҳосиласи сифатида баҳолади.

XX асрнинг охирларига келиб рус тилшуноси В.В. Виноградов Соссюр белгилаган “шахс нутқи (*parole*)”нинг моҳиятини тўла очиш зарурлиги тилшунослик учун ўта муҳимлигини эътироф этди.

Зеро, индивидуал шахс нутқида халқ маданияти, маънавияти каби қатор социал сфералар акси, уларнинг дунёни идрок эта олиш салоҳияти, дунёқараши ва борлиқни ўз тафаккури синтезидан ўтказиши натижалари тил орқали акс этади. Индивидуал шахс нутқини ёш, жинс, ижтимоий муҳит, касб-кор, руҳий ҳолат, жисмоний ҳолат, замон, макон билан боғлиқ ҳолатда ҳар томонлама ўрганиш тилнинг серқирра, мослашувчан, бетакрор моҳиятини ҳамда тил~нутқ муносабати УМИС~АХВО, яъни тил умумийлик, моҳият, имконият, сабаб; нутқ эса алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат характерида мавжудлигини англашга ёрдам беради. Индивидуал шахс нутқини ўрганиш, яъни лингвоперсонология соҳасининг қўлга киритган ютуқлари нафақат тилшунослик учун, балки телекоммуникация, ОАВ, криминалистика, жиноят қидирув бўлимлари ходимлари, шифокорлар, педагоглар, тил, юрт ўрганувчилар учун ҳам бир хилда муҳимдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дунё тилшунослиги ҳозиргача улкан ютуқларга эришганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Таъкидлаш зарурки, тилшуносликда лингвоперсонология соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар тилшуносликнинг бир қанча янги йўналиш ва тармоқларининг юзага келишига туртки бўла олди. Шу ўринда жаҳон тилшунослигида лингвоперсонологиянинг мустақил фан сифатидаги тараққиёти хусусида бир оз тўхталиб ўтамыз.

Лингвоперсонологиянинг келиб чиқиши ва мустақил фан сифатидаги тараққиёти Ғарбий Европа, Россия ва қисман шарқ мамлакатлари тилшунослигига боғлиқдир.

Айтиш мумкинки, лингвоперсонологиянинг бутун тараққиёти давомида В.фон Гумбольдт томонидан эътироф этилган: “Тилни яқка шахснинг ўзи яратиши мумкин эмас, тил бутун халққа тегишлидир. Тилни ҳамиша кейинги авлодлар олдинги авлодлардан оладилар. Ҳар ёшни, ҳар бир жинсни, синфни, уларнинг табиатини ва маълум бир қабиланинг руҳий фарқини намоён қилишнинг йўллари ўзгариб бораётганлиги туфайли одамлар тил ва нутқни алмаштирмақдалар. Тил мавҳум, ҳамиша чекланган, тафаккурнинг инъикоси бўлган бирликдир. Фақатгина

шахсининг нутқида тил аниқликка эришади” [2] деган фикр дастуриламал вазифасини ўтай олди.

XX асрнинг 20-йилларини лингвоперсонология соҳаси билан шуғулланган олимлар рамзий маънода “лингвоперсонологиянинг туғилиш даври” деб ҳисоблайдилар. Америкалик олим Э.Сепир лингвоперсонология тадқиқида эътибор қаратилиши лозим бўлган янги муаммолар борлигини таъкидлади. У ўзининг “Нужна ли нам суперорганика” (1917), “Бессознательные стереотипы поведения в обществе” (1927) номли илмий асарларида, “Обычай” и “Личность”, Энциклопедии социальных наук (1934) каби назарий мақолаларида индивидуаллик/ижтимоийлик масалаларини бир оппозиция (зидланиш) қаторига қўйиб таҳлил қилди [3].

Лингвоперсонология ривожланишининг янги даври XX асрнинг 80-йилларида бошланган. 1991 йилда Ғарбий Европада, кейинчалик Россияда лингвоперсонология билан махсус шуғулланувчи институтлар очилди ва бунда олимлар мазкур соҳанинг турли хилдаги тадқиқотлари устида илмий изланишлар олиб бордилар. Улар ўртасидаги мулоҳаза “инсон” тушунчасининг қуршаб турган дунё (табиат, иқтисодиёт, маданият) тушунчаси билан боғланишидир. Мисол сифатида, адабиётшуносликда муаллиф ва китобхон ўртасидаги, экологияда атроф-муҳитга бўлган муносабат масалаларини айтиш мумкин. Бундай боғлиқликни тилда ҳам учратамиз, яъни фан ривожланишида методологик силжиш асосий парадигманинг ўзгартирилганлиги билан боғлиқликда тушунилади. “Илмий фан парадигмаси” атамаси америкалик олим Кун томонидан киритилган. Парадигма деганда у “донг таратган илмий ютуқларни аниқ вақт оралиғида жамиятга муаммо ва уни қандай ҳал қилиш моделини беришидир” деб изоҳ беради.

Замонавий лингвоперсонологияда тадқиқотчилар парадигма ҳақида турли қарашларни кўрсатиб берадилар:

1. Антропосентрик қараш
2. Экспансионизм (гуманитар фанларнинг психология, филология, логикани боғлиқ ҳолда табиий фанлар сирасига ўтиши)
3. Функционализм (тилнинг истеъмолда ўрганилиши)
4. Экспанотарлик (тилга оид ҳодисаларнинг нафақат қайд этилиши, балки уларнинг сабаб ва оқибатлари исботлаб берилиши)

Илмий объектлар, аввало, инсон шахсининг ривожланишида мукамал бўлиши антропосентрик қарашда ўрганилади. Маълум бир ҳодисаларнинг анализида инсон санокбоши бўлиб келади. Бу, табиийки, инсон тилига унинг нутқи орқали кириб боришни тақозо этади.

Бугунги кунга келиб тилга нисбатан ижтимоий ёндашув кундан кунга қизиқарли бўлиб боряпти, мазкур масала моҳиятига қизиқувчилар аудиторияси кенгайиб бормоқда. Зеро, инсон ва тилга доир муаммолар, сўзловчининг онги, миллий менталитетнинг тилдаги кўриниши кенг талқин қилинади. 90-йилларнинг бошларидаёқ мазкур муаммо тил ҳодисалари билан қизиқувчи кенг жамоатчилик ичида ҳам муҳокамаларга сабаб бўлган “Тил, дискурс, шахс”, “Инсон ва унинг тили: изланишларнинг антропологик жиҳати”, “Сўзловчи ва тингловчи: тил шахсияти, матн, ўрганилиш муаммоси”, “Миллий менталитет ва лингвистик шахсият», “Филологияда антропосентрик парадигма”, “Тилда инсон образи ва инсоний

омиллар: луғат, грамматика, матн”, “Матн ва лингвистик шахсият” ва бошқа мавзуларга оид илмий ишлар ҳамда материаллар сони сезиларли даражада кўпайди. Шундай қилиб, лингвоперсонология орқали “тилшунослик ўзи учун ривожланишнинг янги чизиғини очиб берди, бу чизиқ лингвистик шахсиятга бўлган қизиқишдир” [4].

Тил фани бу даврда янги антропосентрик қисмларга бўлинади:

Лингвокултурология ва этнолингвистика.

Когнитив тилшунослик.

Коммуникатив тилшунослик.

Тил илмига доир янги тармоқлар тилшуносликда ҳам янги соҳани юзага келтирди. Бу соҳа **лингвистик шахсият назарияси** деб номланди ва бу жараёни қуйидаги жадвалда акс этганини кўришимиз мумкин.

<p align="center">Тилшунослик соҳаларининг лингвоперсонология билан боғлиқ равишда ривожланиши</p>		
<p align="center">XIX аср ва – XX аср бошлари</p>	<p align="center">XX аср ўрталари</p>	<p align="center">XX аср охири</p>
<p align="center">умумий тилшунослик стилистика риторика лексикография</p>	<p align="center">жамиятшунослик психоллингвистика прагмалингвистика</p>	<p align="center">лингвокултурология когнитив лингвистика коммуникатив лингвистика</p>
<p align="center">социология фалсафа маданиятшунослик</p>	<p align="center">Лингвоперсонология</p>	<p align="center">тиббиёт психология семиотика</p>

Лингвоперсонология нафақат индивидуал шахснинг нутқини ўрганади, балки шахснинг нутқий қобилиятини ривожлантириш йўлларини ҳам излайди. Бундай усуллар уч даражада асосланиб, яъни тафаккур, тил, нутқ кабилар билан боғлиқ тарзда бўлиши зарурлиги кўрсатилади. Бу фикрни ўзининг илмий изланишларида ҳисобга олган А.Пузирёв шахс тилини тўрт томонлама– тафаккур билан боғлиқ равишда, тил нуқтаи назаридан, нутқий ҳосила сифатида ва алоқавийлик жиҳатдан– ўрганишни самарали деб ҳисоблайди [5].

1980 йилда Г.И. Богин ўзининг “Замонавий лингводидактика” китобида бизни қизиқтирадиган таърифни берди. “Лингводидактиканинг асосий тушунчаси тил эгаси ҳисобланади, нутқий ҳаракатни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади”. Тил эгаси бу тилни ўзлаштирган шахс. Мазкур шахс тил ҳақида қанча кўп билиши билан эмас, балки у тил орқали амалий ҳаракатлар қила олиши билан характерланади.

Г.И. Богин тадқиқоти кенг тилшунос омма ҳукмига ҳавола этилгач, озгина кейинроқ Ю.Н. Караулов ўзининг “Рус тили ва тил эгаси” китобида тил эгасига қуйидагича таъриф берди: “Бадий адабиётда, сўзлашувда, умуман, нутқ жараёнида яратилган нутқий матнлар муайян шахс томонидан воқеланган, унинг яратиш ва

қабул қилиш қобилиятларининг мажмуи бўлиб, бу матнлар структура ва тилга оид қийинчилик даражаси билан ҳамда маълум бир мақсадга йўналтирилган ёндашуви билан фарқланади. Шу монографияда муллифи фикрича, “Тил эгаси тилнинг ўз нутқида, яратган ёки тузган матнида воқеланишини таъминлайди. Фикр маҳсулини матн орқали ифодалаган шахс тилнинг маълум кўринишини тил воситалари, имкониятлари асосида қайта ишланган шахсдир” [6]. Олимларнинг ҳар иккаласи ҳам бу борада ўзларидан олдин шу тушунчага берилган таърифларга ўзгартириш киритдилар. Уларнинг янги таърифлари Ю.Н.Караулова таҳрири остида рус энциклопедиясига киритилди.

Д.Н.Мурзиннинг тил эгаси ва тил феноменалари ўртасидаги чегара ҳақида айтган фикри: “Тил эгаси индивидуал тил тушунчаси билан яқинлашмоқда. Бу тушунчалар асарда сўзловчининг нутқий йиғиндиси билан боғлиқ” лиги ҳам муҳимдир. Агар индивидуал тил субъект билан алоқа жараёнида семиотик системани кўрсатиб берса, тил эгаси чегарадан чиққан деб ҳисобланилади. Чунки бундай шароитда тил эгаси воқеликни муайян нутқий тимсол орқали ифодалаган индивид даражасида туради [7].

Биз санаб ўтган олдинги ва кейинги ишлар натижасида лингвоперсонолиянинг қуйидаги асосий тушунчалари пайдо бўлди:

«Шахс тили тушунчаси» –бунда муайян тилда сўзловчи, ўша тилнинг фонетикаси, лексикаси, морфологияси, синтаксиси, услубияти, умуман, грамматикасидан қисман ёки жамиятда бир индивидуал зиёли шахс даражасида хабардор бўлган шахс тушунилади. Бундай шахслар давлат, ҳукуматнинг бошқарув системасида фаолият кўрсатаётган оратор шахслар; ёзувчилар, шоирлар, адабий танқидчилар; педагог ва бошқалар бўлиши ҳам мумкин. Бу ўринда “шахс” тушунчасини кенг қамровда (психология, фалсафа, жамиятшунослик, тилшунослик, сиёсатшунослик доирасида “шахс” тушунчасига берилган таърифлар билан уйғун ҳолатда) тушуниш зарур.

“Тил ташувчиси” – бунда муайян тилда сўзловчи шахснинг ўз тилида ахборот қабул қилиши ва ахборот етказиши борасида восита вазифасини ўтаб, тилга хос бўлган асосийликлар, хусусийликларни бўлак-бўлак тарзда, муайян нутқий шароит ва вазиятларда ўз атрофидагиларга ва ўзидан кейингиларга етказиб бориши тушунилади.

“Шахс нутқи хусусийлиги” (**“языковая личность”**)–бунда шахс нутқининг нутқий қобилияти билан боғлиқлик назарда тутилади. Мазкур атаманининг тилга кириб келиши Г.И. Богин “Современная лингводидактика” (1980) ҳамда Ю.Н. Караулова “Русский язык и языковая личность” (1987) номлари билан боғлиқ, **“шахс –субъект”**, **“шахс–индивид”**, **“шахс нутқи модели”**, **“шахс нутқи луғати”**, **“шахс нутқининг этносемантикаси”**, **“идеостиль”** (бу атамада шахс нутқининг хусусий, яъни фақат ўзигагина хос хусусий услуби; мазкур атаманинг пайдо бўлиши Н.И. Толстой номи билан боғлиқ) [8], **“идеоделект”** (бу атамада шахс нутқининг ўз шеvasига хос хусусиятлари) тушунчалари ҳам соҳа моҳиятини ёритувчи асосий тушунчаларидандир.

Тилни яқка шахснинг ўзи яратиши мумкин эмас, тил бутун халққа тегишлидир. Тилни ҳамisha кейинги авлодлар олдинги авлодлардан оладилар. Ҳар бир ёшни, ҳар

бир жинсни, синфни, уларнинг табиатини ва маълум бир қабиланинг руҳий фарқини намоён қилишнинг йўллари ўзгариб бораётганлиги туфайли одамлар тил ва нутқни алмаштирмақдалар. Тил мавҳум, ҳамиша чекланган, тафаккурнинг инъикоси бўлган бирликдир. Фақатгина шахснинг нутқида тил аниқликка эришади. Бу ёруғ оламда миллион-миллионлаб одамлар яшайдилар. Уларнинг ҳар бирининг ўз тили, ўз эли, ўз яшаш услуби бор. Лингвоперсонологик тадқиқотларнинг натижаларида аниқланишича, бирор бир шахснинг нутқи бошқасиникини такрорламас экан.

Муайян (индивидуал) шахс нутқининг ўзидаёқ у сўзлаётган тилга мансуб бўлган халқнинг бутун маданиятини, анъаналарини, қадриятларини ифодалай олади. Ёши, ижтимоий ҳолати, жинси, характер-хусусияти, дунёқараши, дини, эътиқоди турлича бўлган шахс(айниқса, улуғ)ларнинг нутқини тил нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил этиш кейинги авлодлар учун тилнинг муайян даврдаги лексикаси, морфологияси, синтаксиси, диалект ва бошқа жиҳатларини билиш учун манба вазифасини ўтайди. (Гумбольдт)

Хуллас, XIX асрнинг 20-йилларига келиб дунё тилшунослигида шахс нутқи масаласи билан қизиқиш бошланди, бу даврни лингвоперсонология соҳасини ўрганишнинг биринчи этапи сифатида баҳолаш мумкин. Бу даврга келиб жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ ҳодисаларининг фарқланиши, ижтимоий нутқ кўринишларининг чуқур таҳлилга тортилиши, тил ҳодисалари таҳлилда диалектик категорияларнинг методологик мезон сифатида танланиши янги соҳа ва йўналишларнинг ўрганилишига кенг йўл очиб берди.

References:

- 1.Sossyur F. Trudi po yazikoznaniyu: Per. s fr.–M.:Progress, 1977.–696 s.–S. 52.
- 1.Gumboldt V. Izbrannie trudi po yazikoznaniyu: Per.s nem. / Pod red. G.V. Ramishvili.– M.: Progress, 1984. 397 s.– S. 66-84.
- 1.Sepir E. Izbrannie trudi po yazikoznaniyu i kulturologii: Per. s angl. –M.: Progress: Univers, 1993.– 655 s.– S. 21.
- 1.Karaulov YU.N. «СНетире кита» sovremennoy lingvistiki, ili O predposilках vklyucheniya «yazikovoy lichnosti» v ob’ekt nauki o yazike (ot sodержaniya nauki k ee istorii) // Sootnoshenie chastnonauchnix metodov i metodologii v filologicheskoy nauke.– M., 1986.– S. 33-52.
- 1.Puzirev A.V. Obshestvo, yazik, tekst i yazikovaya lichnost v aspekte substratnogo podxoda k yaziku // Obshestvo, yazik, lichnost.– M., 1996. Выр. 1.– S. 20–23.
- 1.Karaulov YU.N. Russkiy yazik i yazikovaya lichnost.– M.: Nauka, 1987.– 262 s.
- 1.Murzin D.N. Antropologicheskaya nisha v yazikovoy nauke // Leksika, grammatika, tekst v svete antropologicheskoy lingvistiki. – Ekaterinburg, 1995. – S. 11-12.
- 1.Tolstoy N I. YAzik i kultura (nekotorie problemi slavyanskoй etnolingvistiki) // Russkiy yazik i sovremennost: Problemi i perspektivi razvitiya rusistiki. СН. 1.– M., 1991. – S. 5-22.